

Тўлов тизими шарҳи

(2019 йил якунлари бўйича)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5296-сонли Фармонига мувофиқ, Марказий банк фаолиятининг стратегик мақсадли йўналишларидан бири сифатида тўлов тизими барқарорлиги ва ривожланишини таъминлаш кўрсатиб ўтилган.

Ўз навбатида, ўтган ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3945-сонли қарори асосида умумэътироф этилган халқаро норма ва қоидаларга мувофиқ ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонуни Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йилнинг 19 сентябрида учинчи ўқишда тасдиқланиб, Олий Мажлиснинг Сенати томонидан 2019 йилнинг 11 октябрида маъқулланди.

Шундан сўнг, мазкур Қонун давлат раҳбари томонидан 2019 йил 1 ноябрда имзоланди ва 2020 йил 3 февралдан кучга кириши белгиланди. Таъкидлаш ўринлики, ушбу Қонун тўловлар ва тўлов тизимлари соҳасидаги муносабатларни ҳукукий томондан тартибга солади.

Шунингдек, ушбу қарор ижросини тизимли равишда таъминлаш мақсадида, республикада тўлов инфратузилмасининг кенгайтирилишини ҳамда янгидан ташкил этилган “Миллий банклараро процессинг маркази” фаолиятининг тўлақонли йўлга қўйилиши тўлов тизимлари соҳасида муҳим аҳамият касб этди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 марта тасдиқланган “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3620-сонли қарорига асосан тижорат банклари томонидан банк хизматлари ва маҳсулотларининг янги турларини жорий этиш борасида аниқ мақсадли ишлар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, Марказий банк ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги биргаликда ишлаб чиқсан “Ўзбекистон Республикасида 2018-2020 йиллар даврида рақамли банкингни ривожлантириши Концепцияси”да назарда тутилган чора-тадбирлар босқичмабосқич тизимли равишда амалга оширилмоқда.


I. Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими фаолияти таҳлили

Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тўловлар тўғрисида”ги Қонунига кўра банклараро тўлов тизими банклар ўртасидаги электрон тўловларни банкларнинг Марказий банқда очилган вакиллик ҳисобвараклари орқали амалга ошириш учун мўлжалланган. Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими иқтисодиётдаги ҳисоб-китобларнинг асосий қисмини ташкил этувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пулсиз тўловларининг ўтказилишини таъминлайди.

Банклараро тўлов тизими орқали ўтказиладиган электрон тўлов хужжатларидағи қайд этилган реквизитларнинг тўғри кўрсатилиши тўловларни ўз вақтида амалга оширилишига ҳамда хато тўловларнинг олдини олади. Бунда, банк мижозларига хос рақам бериш ҳамда уларнинг банк ҳисобвараклари тўғрисидаги маълумотларни сақлаш мақсадида ташкил этилган Банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси (БДМАБ) бу жараёнларда муҳим ўрин тутади. БДМАБ банклар ва ваколатли органларнинг сўровномаларини файл режимида ва реал вақт режимида автоматлаштирилган тарзда қайта ишланишини таъминлайди.

БДМАБ маълумотлари таҳлили мижозлар ва уларнинг ҳисобвараклари миқдори доимий ортиб бораётганигини кўрсатмоқда (*1-расм*).

1-расм



Қайд этиш жоизки, БДМАБда рўйхатга олинган мижозлар сони 2019 йил 1 январь ҳолатига 1 880 634 тани ташкил этган бўлса, бу қўрсаткич 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига 11,4 фоизга ортиб, 2 094 262 тага етди. Ушбу

мижозларга очилган ҳисобварақлар сони эса 2019 йил 1 январь ҳолатига 7 263 621 тани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилнинг 1 январига келиб, 6,6 фоизга ортиб 7 740 964 тага етди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали 2018 йил мобайнида 74,7 млн. та ёки 865,3 трлн. сўмлик тўловлар амалга оширилган бўлса, 2019 йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 70,2 млн. тани ёки 1 126,9 трлн. сўмни ташкил этди.

Солиширилаётган даврда банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган тўлов ҳужжатлари сони 5,9 фоизга камайиб, тўлов ҳужжатлари суммаси эса 30,2 фоизга ошганлигини кузатиш мумкин. Таъкидлаш ўринлики, 2019 йилда транзакциялар сонининг камайиши аҳолининг чакана тўловларини Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар Клиринг тизими орқали амалга оширилиши кўламининг ортиши билан изоҳлаш мумкин (2-расм).

2-расм



2019 йил мобайнида Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакцияларни ойлар кесимида таҳлил қиласидан бўлсак, ўртача ойлик транзакциялар сони 5,8 млн. тани, уларнинг суммаси эса 93,9 трлн. сўмни ташкил этди.

Бундан ташқари, 2019 йил давомида Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими 265 банк иш куни фаолият юритган бўлиб, ўртача кунлик транзакциялар сони 265,1 минг тани, ўртача кунлик транзакциялар суммаси

эса 4 252,6 млрд. сүмни ташкил этди. Энг кўп амалга оширилган транзакциялар сони 2019 йил 29 апрелда амалга оширилган бўлиб, 443,6 минг тани, транзакциялар суммаси эса 2019 йил 30 декабрда амалга оширилган бўлиб, 12,5 трлн. сүмни ташкил этган.



Агар 2019 йилда Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакцияларни тўлов ҳужжатлари қирқимида таҳлил қиласиган бўлсак (*3-4-расмлар*), унда:

тўлов топшириқномаси орқали амалга оширилган транзакциялар сони 40,8 млн. тани (жами транзакциялар сонининг 58 фоизини), транзакциялар суммаси эса 749,2 трлн. сүмни (жами транзакциялар суммасининг 66,5 фоизини);

мемориал ордер орқали амалга оширилган транзакциялар сони 20,4 млн. тани (29 фоиз), транзакциялар суммаси эса 371,5 трлн. сүмни (33 фоизни);

инкассо топшириқномалари орқали амалга оширилган транзакциялар сони 8,7 млн. тани (12,3 фоиз), транзакциялар суммаси эса 5,4 трлн. сүмни (0,5 фоиз) ташкил этмоқда.

(*3-4-расмлар*)



II. Марказий банкнинг ҳисоб-қитоблар клиринг тизими таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1989-сонли қарорига мувофиқ, Марказий банкнинг “Чакана тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш клиринг тизимини яратиш ҳамда хизмат кўрсатувчиларнинг биллинг тизими билан интеграллаш” лойиҳаси 2014 йилда жорий этилган бўлиб, тизим орқали амалга оширилаётган тўловлар ҳажми ва қўлами доимий равишда ортиб бормоқда.


Ҳозирги кунда банклар инфратузилмаларида Марказий банкнинг ҳисоб-қитоблар клиринг тизими орқали барча коммунал ташкилотлар, Молия вазирлиги Фазначилигига тўланадиган бюджет тўловлари, солик ҳамда божхона тўловлари, нотариат ва ФХДЁ тўловлари, Ички ишлар вазирлигига тўланадиган жарима тўловлари, Давлат хизматлари агентлиги хизматлари тўловлари, “UzAUTO MOTORS” автомашиналари учун тўловлар, кадастр хизматлари учун тўловлар, шунингдек, мобил алоқа, интернет-провайдерлар ва бошқа кўплаб бошқа хизматлар учун тўловчини хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг биллинг тизими орқали аниқ идентификация қилиш орқали тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш ва акс эттириш имконияти яратилган.

Шу билан бирга, Марказий банкнинг ҳисоб-қитоблар клиринг тизими республикада фаолият юритаётган чакана тўлов тизимларининг банк карталари орқали ўтказилган транзакциялари натижаси асосида клиринг амалиётларини бажариш бўйича “Ҳисоб-қитоб банки” вазифасини ҳам амалга ошириб келмоқда.

Қайд этиш жоизки, Марказий банкнинг ҳисоб-қитоблар клиринг тизими билан интеграция қилиш орқали тўловларни реал вақт режимида амалга оширишга талабгор бўлаётган идора ва ташкилотлар ҳам кўпаймоқда. Бугунги кунга келиб, ҳисоб-қитоблар клиринг тизими орқали жами 35 дан ортиқ хизматлар бўйича тўловлар реал вақт режимида амалга оширилмоқда.


Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Марказий банкнинг ҳисоб-қитоблар клиринг тизими орқали 2017 йил мобайнида 5 205,7 млрд. сўмлик тўловлар амалга оширилган бўлса, 2018 йилда тўловлар суммаси 2017 йилга нисбатан қарийб 2 баробарга ортиб, 10 154,9 млрд. сўмлик тўлов амалга оширилган. 2019 йилда ҳам ушбу тизим орқали амалга оширилган транзакциялар суммаси 2018 йилга нисбатан қарийб 2 баробарга ортиб, 20 030,4 млрд. сўмга етганлигини кўриш мумкин (5-расм).

(5-расм)



Жумладан, Марказий банкнинг ҳисоб-қитоблар клиринг тизими орқали 2019 йилда амалга оширилган транзакциялар суммасининг 5 153,7 млрд. сўмини (жами транзакциялар суммасининг 25,7 фоизи) Ғазначилик тўловлари, 4 387,8 млрд. сўмини (21,9 %) “UzAUTO MOTORS” учун тўловлар, 1 981,9 млрд. сўмини (9,9 %) “Худудий электр тармоқлари” хизматлари учун тўловлар, 1 848,0 млрд. сўмини (9,2 %) “Ўзтрансгаз” хизматлари тўловлари, 1 286,8 млрд. сўмини (6,4 %) солиқ ва мажбурий тўловлар, 1 106,8 млрд. сўмини (5,5 %) Адлия вазирлиги хизматлари учун тўловлар, 853,1 млрд. сўмини (4,3 %) йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарима тўловлари, 730,1 млрд. сўмини (3,6 %) божхона тўловлари, 707,7 млрд. сўмини (3,5 %) Давлат хизматлари марказлари учун тўловлар, 353,3 млрд. сўмини (1,8 %) “Тошибиссиқкуввати” учун тўловлар ҳамда 1 615,0 млрд. сўмини (8,1 %) бошқа тўловлар ташкил этган (6-расм).

(6-расм)



III. Банк ҳисобвараклариға масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари

Мамлакатимизда кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини янада ошириш ҳамда тадбиркорлик субъектлари билан тўлақонли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш учун тижорат банкларининг иш фаолиятини тубдан яхшилаш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг банк тизимига ишончли институтионал ҳамкор сифатида қарашларини мустаҳкамлаш вазифалари долзарблигини инобатга олиб, Марказий банк ҳамда тижорат банклари томонидан ҳисобваракларни масофадан бошқариш тизимларини республика миқёсида кенгайтиришни жадаллаштириш борасида ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, банк мижозлари учун қулай бўлган масофавий банк технологиялари, яъни интернет-банкинг, смс-банкинг ва мобил-банкинг каби замонавий технологиялар кенг жорий қилинмоқда. Мижозларга замонавий технологиялар асосида янги хизматлар кўрсатилиши натижасида банк мижозларининг сони ҳам, банкларга бўлган ишонч ҳам ортиб бормоқда.

Бугунги кунда тижорат банклари томонидан дастур яратувчилар билан бирга жорий этилган мобил илова дастурлари орқали мижозларга реал вақт режимида қуйидаги банк операцияларини бажариш имконини берувчи:

картадан картага пул ўтказиш (P2P) операцияларини бажариш;

солик, бюджет, коммунал ва бошқа бир қанча тўловларни амалга ошириш;

мижознинг талабига кўра банк картасини блоклаш (блокдан чиқариш);

жисмоний шахслар учун микроқарз олиш ва кредитларни сўндириш;

онлайн омонатларни расмийлаштириш, депозит ҳамда ссуда (кредит) ҳисобваракларини масофадан очиш (банк ҳисобваракларини ўрнатилган тартибда очган мижозлар учун);

халқаро банк картаси ҳисобварағидан түловларни амалга ошириш ва мониторинг қилиш, онлайн конверсия хизматлари;

банк инфратузилмалари (филиаллар, айирбошлаш шахобчалари, банкомат ва инфокиосклар) дислокацияси ҳақида маълумот олиш;

халқаро пул ўтказмалари тизими орқали келган маблағларни мижознинг хоҳишига кўра банк ҳисобварағи (омонати) ёки банк картасига киритиш каби хизматлар таклиф қилинмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, республика бўйича 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига банк ҳисобваракларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар жами сони 10 153 458 та бўлиб, шундан юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар сони 691 008 тани ташкил этган бўлса, жисмоний шахслар сони эса 9 462 450 тани ташкил этди. Бу эса, 2019 йил 1 январь ҳолатига (7 959 107 тага) нисбатан банк ҳисобваракларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар жами сони 127,6% ни, мос равишда юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар сони (359 770 тага нисбатан) 186,6% ни ҳамда жисмоний шахслар сони (7 599 337 тага нисбатан) 124,5% ни ташкил қилганлигидан далолат беради (7-расм).

(7-расм)




Бундан ташқари, нобанк тўлов ташкилотлари ҳам инновацион технологияларни қўллаган ҳолда масофадан хизмат кўрсатиши борасида банк карталари фойдаланувчилари ҳисобланган мижозларга кенг кўламли замонавий ва қулай хизматларни таклиф қилмоқда.

IV. Банк карталари тизими инфратузилмасининг ривожланиши

Мамлакатимизда банк карталари инфратузилмасининг ривожланишига тўхтадиган бўлсак, 2020 йил 1 январь ҳолатига 20 547 минг дона банк карталари муомалада бўлиб, уларнинг сони 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан 2,8 млн. дан зиёдга ортган. Тўлов терминаллари сони эса 2019 йил 1 январь ҳолатига 244 913 тани ташкил этган бўлса, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига 392 361 тани, банкомат ва инфокиосклар сони эса 2019 йил 1 январь ҳолатига 6 859 тани ташкил этган бўлса, 2020 йил 1 январь ҳолатига 9 203 тани ташкил этди (*8-10 расмлар*).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 445-сонли қарори доирасида банк карталари асосида хизматлар кўрсатишга ихтисослашган Ягона умумреспублика процессинг маркази фаолияти (“Uzcard” тўлов тизими инфратузилмаси) ривожланиб бормоқда. Маълумотларга кўра, 2019 йил якуни бўйича “Uzcard” тўлов тизими мамлакат бўйлаб ўрнатилган қарийб 18 млн. банк карталари, 230 минг терминаллар ҳамда 3,8 мингдан ортиқ банкоматларга хизмат кўрсатмоқда.


(8-расм)



(9-расм)




(10-расм)



Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, тўлов терминаллари орқали миллий валютада амалга оширилган транзакциялар суммаси 2017 йилда 52 972 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2018 йилнинг шу даврида 63 713 млрд. сўмга тенг бўлган. 2019 йилда эса мазкур кўрсаткич 71 020 млрд. сўмга етган бўлиб, ўртacha бир ойлик транзакциялар суммаси 5 918,3 млрд. сўмни ташкил этмоқда (11-расм).

(11-расм)



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3945-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги “Ахборотлаштириш Бош маркази” ДУКнинг Миллий банклараро процессинг маркази фаолияти ташкил этилди.

Миллий банклараро процессинг марказининг муваффақиятли ишга туширилиши банк карталарига асосланган тўлов хизматларини кўрсатувчи чакана тўлов тизимлари ўртасида рақобат муҳитининг пайдо бўлишига хизмат қиласди.

Қайд этиш жоизки, “HUMO” миллий тўлов тизими инфратузилмасини яратиш лойиҳаси доирасида сотиб олинаётган қурилмалар, жумладан, терминаллар, банкоматлар ва банк карталари ўз соҳасида дунё етакчилари ҳисобланадиган компаниялар томонидан етказиб берилиши билан бир қаторда, мазкур яратилаётган тўлов инфратузилмаси контактсиз тўлов технологиясини (NFC) ҳам қўллаб-қувватлаб, халқаро стандартлар ва замонавий талабларга жавоб беради.

Амалга оширилган ишлар натижасида 2019 йил якунига кўра республика бўйлаб 170 мингдан ортиқ “HUMO” тизимининг замонавий терминаллари савдо ва хизмат кўрсатиш обьектларида ўрнатилган бўлиб, улар орқали банк картасидан тўловларни (*50 минг сўмгача бўлган транзакцияни*) kontaktсиз равишда пин-кодни киритмасдан ҳам амалга ошириш мумкин.

Шу билан бирга, 2019 йилнинг май ойидан бошлаб аҳоли учун банк карталарини эмиссия қилиш жараёни ҳам бошланган бўлиб, “HUMO” тўлов тизими инфратузилмаси жорий қилинган худудларда қарийб 2,4 млн.дан ортиқ банк карталари эмиссия қилинди.

Бундан ташқари, республиканинг барча худудлари бўйлаб “HUMO” тўлов тизимининг банкоматларини ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда ҳамда 2019 йилнинг якуни бўйича республика миқёсида мазкур тўлов тизимининг инфратузилмасида 1 650 дона банкоматлар мавжуд.

“HUMO” тўлов тизимининг VISA ва Mastercard халқаро тўлов тизимлари билан интеграцияси амалга оширилиши натижасида, “HUMO” тўлов тизимининг банкоматлари ва терминалларидан фойдаланиб мазкур халқаро тўлов тизимларининг банк карталари орқали операцияларни амалга ошириш имконияти яратилди.

Шунингдек, Тошкент метрополитен станцияларида йўл ҳақини тўлаш учун маҳсус қурилмалар (валидаторлар) ўрнатиш ишлари якунига етказилиб, унинг барча станцияларида турникетлардан ўтишда “HUMO” банк картаси орқали тўловни амалга ошириш имконияти яратилди.